

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**ГАФУРОВА ФЕРУЗА АХРОРОВА**

**АЙРИМ ЭНДОКРИНОПАТИЯЛАРИ БЎЛГАН  
АЁЛЛАРДА КЛИМАКТЕРИК БУЗИЛИШЛАРНИ  
ДАВОЛАШ ОМИЛЛАРИНИНГ КЛИНИК-  
ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 618.17+618.15-007.21-053.9:616.008.222

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)**

**Гафурова Феруза Ахроровна**

Айрим эндокринопатиялари бўлган аёлларда  
климактерик бузилишларни даволаш омилларининг  
клиник-патогенетик асослаш..... 3

**Гафурова Феруза Ахроровна**

Клинико-патогенетическое обоснование принципов  
коррекции климактерических расстройств у женщин с  
некоторыми эндокринопатиями ..... 31

**Gafurova Feruza Akhrorovna**

Clinical and pathogenetic justification of the principles  
of correction of menopausal disorders in women with certain  
endocrinopathies..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of pulished works ..... 62

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**ГАФУРОВА ФЕРУЗА АХРОРОВНА**

**АЙРИМ ЭНДОКРИНОПАТИЯЛАРИ БЎЛГАН  
АЁЛЛАРДА КЛИМАКТЕРИК БУЗИЛИШЛАРНИ  
ДАВОЛАШ ОМИЛЛАРИНИНГ КЛИНИК-  
ПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАШ**

**14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.4.DSc/Tib355 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** Асатова Мунира Мирюсуповна  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** Расуль-Заде Юлдуз Гулямовна  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хайдарова Феруза Алимовна  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хаджиметов Абдугафур Ахатович  
биология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** Тошкент Тиббиёт Академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24 декабрь» соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтди (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223. Тел./факс: +99871-262-33-14, e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертацияси билан Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (395 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223. Тел./факс: +99871-262-33-14, e-mail: [mail@tashpmi.uz](mailto:mail@tashpmi.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил «9» декабрь да тарқатилди.  
(2021 йил «9» декабрь даги 721 рақамли респ. баённомаси).



*[Signature]*  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

*[Signature]*  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

*[Signature]*  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда ҳаёт давомийлигининг ошиши туфайли менопаузал даврнинг физиологик кечишини мураккаблаштирадиган касалликларнинг ижтимоий аҳамияти сезиларли даражада ошди. Менопаузал давр патологик кечишининг турли кўринишлари ушбу ёш давридаги аёлларнинг 40-70% да содир бўлади. Ҳозирги кунда аёлларнинг ўртача умр давомийлиги 75,7 йилни ташкил этмоқда. Шунга кўра постменопаузал даврнинг давомийлиги умумий умрнинг 30-40% ни ташкил этади. Менопауза бўйича Халқаро Жамияти маълумотларига кўра «...аёлларда гормонлар алмашинувининг бузилиши менопаузал метаболик синдроми, инсулин қаршилиқ ва қон ивиш тизимида коагуляцион жараёнлар ривожланишига ҳисса қўшади. Менопаузада салбий метаболик ва гормонал касалликлар оксидатив стресс, дислипидемия, субклиник яллиғланиш ва фибринолиз бузилиши каби бир неча юрак-қон томир касалликларини хавф омиллари билан боғлиқ, айниқса эндокрин-соматик патологияси, жумладан тухумдон поликистоз, гипотиреоз, ёки аутоиммун тиреоидит бўлган аёлларда юрак-қон томир асоратлар даражасини оширади»<sup>1</sup>. Ҳаётнинг ҳар бир кейинги ўн йиллигида ҳаёт учун хавфли юрак ва қон-томир касалликларининг учраши 3-5 маротаба ошади. Шу сабабли эндокрин касалликлари бўлган аёлларда климактерик бузилишларни даволаш омилларининг клиник-патогенетик асослаш йўли билан даволашни такомиллаштириш амалий гинекологиянинг энг муҳим ва долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда айрим эндокринопатиялари бўлган аёлларда климактерик бузилишларни эрта ташхислаш, даволаш ва бартараф қилиш усулларини такомиллаштиришга бағишланган бир қанча илмий тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бу борада менопауза ёшидаги аёлларда климактерик асоратларини ривожланиш хавф омилларини аниқлаш, эндокрин касалликларни, шу жумладан, тухумдон поликистоз синдроми ҳамда қалқонсимон беши касалликларидан бири бўлган аутоиммун тиреоидитни, метаболик профили, липид спектри, гемостаз тизимининг ҳолати, суяк тўқимасининг минерал зичлигини ўзгаришларига таъсирини аниқлаш, ва табақалаштирилган самарали даволаш усулларини такомиллаштириш долзарб илмий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон стандартларига мослаштириш, жумладан, аёлларнинг постменопауза ёшига хос ўзгаришлар натижасида келиб чиқадиган ҳаёт учун хавфли асоратларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор

<sup>1</sup> Baber R.J., Panay N., Fenton A. and the IMS Writing Group NS 2016 IMS Recommendations on women's midlife health and menopause hormone therapy.

йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини оширишда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, ногиронликнинг олдини олиш...»<sup>2</sup> каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, эндокринопатиялари бўлган аёлларда климактерик бузилишларни эрта босқичда ташхислаш ва табақалаштирилган патогенетик даволаш, ҳамда самарали мониторинг ўтказиш усулларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш каби тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4310 сонли, 2020 йил 2 октябрдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4847 сонли ва 2020 йил 12 ноябрдаги “Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4891 сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи**<sup>3</sup>. Айрим эндокринопатиялари бўлган аёлларда климактерик бузилишларни даволаш омилларининг клиник-патогенетик асослашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of Oxford, University of Washington, University of California, University of New York, University of Stanford, University of Columbia, University of Illinois, University of Virginia Commonwealth, University of Arizona (АҚШ); National and Kapodistrian University of Athens (Греция); Federico II University (Италия); Hacettepe University (Туркия); Medical Research Council (Буюк Британия); University of Sydney (Австралия), Christchurch Women's Hospital (Новая Зеландия), University of Pavia, University of Pisa, (Италия), University of Paris Descartes (Франция), University of Belgrade (Сербия), University of Barcelona (Испания) Сибир Давлат тиббиёт институти, В.И.Кулаков номидаги Федерал Давлат бюджетдан ташқари акушерлик ва гинекология, перинатология илмий

---

<sup>2</sup> ЎзР Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий тадқиқотлар шарҳи [www.sydney.edu.au](http://www.sydney.edu.au), [www.cdhb.health.nz](http://www.cdhb.health.nz), [www.kch.nhs.uk](http://www.kch.nhs.uk), [www.ub.edu](http://www.ub.edu), [www.mad.nyu.edu](http://www.mad.nyu.edu), [www.stanford.edu](http://www.stanford.edu), [www.columbia.edu](http://www.columbia.edu), [www.illinois.edu](http://www.illinois.edu), [www.wcm-3.unipv.it](http://www.wcm-3.unipv.it), [www.unipi.it](http://www.unipi.it), [u-paris.fr](http://u-paris.fr), [www.bg.ac.rs](http://www.bg.ac.rs), [www.ncagp.ru](http://www.ncagp.ru) сайтлари маълумотлари асосида бажарилди.

маркази (Россия) ва Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳонда аёлларнинг постменопаузада ривожланадиган ҳаёт учун хавфли асоратларни ташхислаш, даволаш ва бартараф қилиш усулларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқотлар асосида қатор натижалар олинган, жумладан: АҚШда Women's Health Initiative (WHI), Heart and Estrogen-progestin Replacement Study (HERS); Европада – Postmenopausal Estrogen/Progestin Interventions (PEPI) каби марказларда йирик тасодифий танлаб олинган плацебони-назорат (ТТПН) қиладиган тадқиқотлар менопаузал гормонал терапиянинг турли сурункали касалликларнинг олдини олишдаги аҳамиятини исботлаган; тухумдонлар ва сут безларнинг саратонида таҳлика гуруҳларида менопаузал гормонал терапиянинг ўрни асосланган (University of Virginia Commonwealth (АҚШ); менопауза даврида турли метаболик ўзгаришлар, қандли диабет, юрак қон томир тизими, дислипидемия каби касалликларнинг тарқалиши билан боғлиқ ўзгаришлар исботланган (University of Hacettepe (Туркия); эндометрий гиперплазияси ривожланишини модифицирланувчи хавфли омиллари ва касалликни ривожлантирувчи гормонал номутоносивликни коррекциялаш зарурати исботланган, аёлларда климактерик бузилишлар, семириш ва менопаузани патогенетик даволашда ўрта ер денгиз атрофи маҳсулотларнинг парҳезлилиги ва тана вазнини камайтиришга қаратилган профилактик аҳамияти асосланган (University of Federico II (Италия); айни пайтда, кўп марказли Kronos Early Estrogen Study (KEEPS), Early versus Late Intervention Trial with Estradiol (ELITE)нинг “Аёллар саломатлиги учун ташаббус” номли ўрганиш натижаларини кўриб чиққандан кейин, менопауза асоратларининг гормонлар билан даволашдаги ишончли ўрнини сўнгги йиллардаги тасодифий когорт тадқиқотлар тасдиқлаган.

Дунёда айрим эндокринопатиялари бўлган аёлларда климактерик бузилишларни даволаш омилларининг клиник-патогенетик асослашни такомиллаштириш бўйича қатор устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жусладан, аутоиммун тиреоидитли менопауза ёшидаги аёлларда менопауза даврининг ўзига хос хусусиятларини асослаш; АИТ негизида менопаузал касалликлар бўлган беморларда гипоталамик-гипофиз-тухумдон тизими ва қалқонсимон беши ҳолатини асослаш, аутоиммун тиреоидитли менопауза ёшидаги аёлларда гемостаз тизими, метаболик ҳолат ва суяк минерал зичлигини асослаш; эндокринопатиялари бўлган менопаузал аёлларда постменопаузанинг кеч метаболик асоратлар ривожланишида генлар полиморфизминини аҳамиятини аниқлаш; эндокринопатиялари бўлган аёлларда менопаузал бузилишларни дори воситалари ёрдамида коррекциялашнинг клиник ва гормонал самарадорлигини эрта ташхислаш усулларини такомиллаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳондаги адабиёт манбалари маълумотларига кўра гормонал бузилишларни даволаш муаммосидаги амалий жихатдан муҳим ҳолат бу патогенетик асосланган ташхисни шакллантиришдир. Тухумдон функциясининг сусайиши далили

аниқлагандан сўнг, мавжуд эндокрин ўзгаришларнинг ва бузилишларнинг гипоталамус-гипофиз-тухумдон тизимидаги фаолият ва тартибга солиш механизмларига, қалқонсимон безнинг ҳолатига, шунингдек метаболик параметрларнинг бузилишига таъсири даражасини аниқлаш керак. Адабиётлар маълумотлари бир-бирига зид бўлиб, ҳозирги кунда эндокринопатиялар фонида климакс даврининг асоратли кечишига ташхис қўйиш стандартлари мавжуд эмас. Адабиётда ТПКС бор аёлларда постменопаузанинг мураккаб кечишини кўрсатадиган маълумотлар мавжуд (Юренева С. В., Эбзиева З. Х. 2017 й, Ruan X., Li M., Mueck A.O. 2018 й, Zhu S., Zhang B. 2019 й). Менопауза даврида инсулин қаршилиги ва гиперандрогения таъсирини баҳолаш диагностика мезонларини аниқлашдаги фарқлар туфайли қийин бўлади.

Замонавий адабиётлар маълумотлари ТПКС учун диагностика мезонларининг уч гуруҳига асосланади, булар Роттердам Консенсуси (2006 йил), Америка Диабетологлари жамияти (2006 йил) ва гиперандрогения ва тухумдонлар поликистози учун ултратовуш таснифи (2012). Бироқ, ТПКСда постменопауза асоратларини ташхислаш ва даволаш учун ёндашувлар қарама-қарши ва стандартлаштирилган эмас (В.Н. Латипова ва ҳаммуал., 2017; Whitcroft S, Herriot A. et al., 2017; Schmidt J, Landin-Wilhelmsen K et al., 2019).

Хорижий адабиётларида қалқонсимон безнинг функционал ҳолатини ўрганишга бағишланган кўплаб тадқиқотларга қарамасдан, постменопауза жараёнида аутоиммун тиреоидит босқичига қараб қалқонсимон без дисфункциясининг таъсири етарлича ўрганилмаган (Goodman, N.F. et al., 2017; R. M. Joakimsen et al., 2018). Шу муносабат билан қалқонсимон без касалликларининг постменопауза кечишига таъсирини ўрганиш долзарб муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистонда перименопауза ёшидаги аёлларда терапевтик ва профилактик чора-тадбирларни оптималлаштириш бўйича ишлар олиб борилган (Каюмова Д. Т., 2020), менопауза даврида метаболик синдромнинг хусусиятлари ва кечиш жараёни ўрганилган (Мирзахмедова Н. А., 2019), даволаш схемалари ишлаб чиқилган ва МГТни климактерик синдромни даволашда ўзини оқлаган ва патогенетик асосланган ягона тўғри усул эканлиги бўйича тортишувлар олиб борилмоқда (Д.Б. Асранкулова ва ҳаммуаллифлар 2014), унинг турли хил вариантлар билан кечишида, айниқса МГТга қарши кўрсатмаларда муқобил схемалар таклиф қилинган (М.И.Расулева, 2008; Л. Р.Агабабян ва бошқ., 2017).

Клиник, метаболик ва гормонал касалликларни даволаш, ўткир юрак-қон томир патологияси хавфини камайтириш, саломатликни сақлаш, умр кўриш давомийлигини ошириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш замонавий соғлиқни сақлашнинг истиқболли йўналиши ҳисобланади. Эндокринопатиялари мавжуд бўлган аёлларда постменопауза даврининг асоратларини ташхислаш ва табақалаштирилган даволаш алгоритмларининг



йўқлиги ва уларнинг тизимлаштирилмаганлиги илмий давраларда давом этаётган мунозараларнинг мавзуси бўлиб қолмоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг №5.3.11 “Аёлларда тухумдон етишмовчилигининг ёш жиҳатидан ривожланган этиологик хусусиятларга эга бўлган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни олдини олиш, ташхислаш ва даволашда замонавий технологияларни ишлаб чиқиш” (2017-2021 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тухумдон поликистози синдроми ва қалқонсимон беши касалликлари бўлган аёлларда климактерик бузилишларининг патогенетик асосланган коррекцияси тамойилларини ва табақалаштирилган даволаш алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

менопауза ёшидаги аёлларни скрининг текширув асосида, постменопауза даврининг мураккаб кечишининг хавф омилларини аниқлаш;

постменопауза асоратларини ривожланиш механизмларининг дастлабки эндокрин ҳолати билан патогенетик муносабатларининг объектив кўрсаткичларини аниқлаш;

анамнезида тухумдон поликистози синдроми бўлган аёлларда постменопауза даврининг хусусиятларини ва метаболик бузилишларнинг ривожланиш механизмларини аниқлаш;

гипоталамус-гипофиз-тухумдон тизими ва тиреоид ҳолати, гемостаз тизими, метаболик профил ва суяк минерал зичлиги ҳолатини баҳолаб, қалқонсимон беши касалликлари бўлган аёлларда менопауза даврининг хусусиятларини аниқлаш;

эндокринопатиялари бўлган аёлларда менопаузанинг мураккаб кечиши ва фолат цикли генлари МТГФР, МТРР ва МТР полиморфизмининг ассоциациясини аниқлаш;

дастлабки эндокринопатияга қараб аёлларда климактерик бузилишларини табақалаштирилган менопаузал гормонал даволаш тамойилларини ишлаб чиқиш;

климактерик бузилишларини даволашда ва постменопауза даврининг кеч метаболик асоратларини бартараф қилишда Мио-Инозитолнинг ролини баҳолаш;

постменопауза давридаги ҳаёт учун хавфли бўлган асоратлар ривожланишини бартараф қилиш учун тухумдон поликистози синдроми ва қалқонсимон беши касалликлари бўлган аёлларда климактерик бузилишларни ташхислаш, даволаш ва мониторинг қилиш алгоритмларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент шаҳар перинатал маркази ҳамда Тошкент шаҳар Яккасарой, Шайхонтахур, Уч-Тепа, Сергели, Миробод, Юнусобод ТТБ марказий поликлиникалари, Тошкент, Андижон, Фарғона ва Бухоро вилоят Перинатал марказларининг маслаҳатхоналарига климактерик бузилишларига шикоятлар билан мурожаат қилган 46-55 ёш оралиғидаги 534 нафар аёллар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб қон зардоби намуналари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник, лаборатор, биокимёвий, генетик, ультратовуш ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ТПКС (анамнезида) ва АИТ бўлган аёлларда постменопауза даврининг кечишида тромботик, атеросклеротик ва юрак-қон томир тизимидаги эндотелий бузилишлари аниқланган, кеч постменопауза даврида метаболик асоратларнинг ривожланишида уларнинг салбий роли исботланган;

постменопауза асоратларини дастлабки эндокринопатия билан кечиши ва ривожланиши механизмларининг гормонал алмашинувининг бузилиши орасидаги патогенетик алоқаси исботланган;

менопауза ёшидаги аёлларда ТПКС (анамнезда) ва қалқонсимон без касалликларида метаболик синдромнинг алоҳида таркибий қисмларининг тарқалиши модификацияланган халқаро мезонлар асосида исботланган;

юрак қон томир хавф омиллари ва метаболик синдромнинг параметрларини ТПКС (анамнезда) ва АИТ билан ўзаро боғлиқлиги исботланган;

молекуляр генетик тадқиқотлар давомида эндокринопатиялар билан менопаузали аёлларда тромботик асоратлар ва постменопаузанинг кеч метаболик асоратлари ривожланиши хавфини оширишда фолат цикли генлари полиморфизми МТГФР (rs1801133 MTHFR), МТРР (rs1805087 MTRR) и МТР (rs1805087 MTR) нинг салбий аҳамияти исботланган;

дастлабки эндокринопатияга қараб аёлларда менопаузали гормон билан даволашга табақалашган ёндашув тамойиллари патогенетик ва клиник жиҳатдан асосланган ва самарадорлиги исботланган;

айрим эндокринопатиялари бўлган менопауза ёшидаги аёлларнинг климактерик бузилишларини даволашда ва постменопаузанинг ҳалокатли асоратларини бартараф қилишда Мио-Инозитолнинг гормонал, липид, углеводлар кўрсаткичларига самарали таъсири исботланган;

асоратланган постменопаузани даволашда МГТ препаратлари ва таркибида Мио-Инозитол сақловчи дори воситаси (Инотир) билан даволаш алгоритмлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

дастлабки эндокринопатиялар фонида климактерик бузилишлари бўлган аёлларда метаболик ҳолат, гемостаз параметрларини ўрганиш натижаларини баҳолаш ва изохлаш учун услубий ёндашувлар ишлаб чиқилган;

гемостаз тизимидаги ва аутоиммун тиреоидит ва ТКПС бор постменопауза ёшидаги аёлларда ҳаёт учун хавфли асоратларининг ривожланиши хусусиятлари ўзгаришлари ўртасида муносабатлар ўрнатилди;

эндокрин касалликларида анамнестик, лаборатория, молекуляр-генетик тадқиқот натижаларини клиник баҳолаш ёрдамида кеч постменопауза асоратлари ва метаболик бузилишларни ривожланиш механизмларини тахмин қилиш имконияти исботланган;

ТПКС бўлган аёлларда постменопаузани асоратланган кечиши даврида- тромботик ҳолатларни ривожланиши учун масъул МТГФР, МТРР ва МТР генлар полиморфизмининг аниқлашнинг прогностик аҳамияти исботланган;

эндокринопатияларнинг табиатини ҳисобга олган ҳолда аёлларда климактерик даврда менопаузали гормон терапиясига табақалаштирилган ёндашув алгоритми ишлаб чиқилган;

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳаётни хавф остига қўядиган асоратларнинг олдини олиш ва соғлом узоқ умр кўришни узайтириш учун соғлиқни сақлаш ҳолатини баҳолашда, табақалаштирилган ёндашувни ва постменопаузанинг мураккаб кечишида патогенетик жиҳатдан асосли даволаш таъсирларни танлашда билимларни кенгайтириш ва назарий асосларни яратиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эндокрин касалликларга, шу жумладан ТПКС ва АИТга, чалинган постменопауза ёшидаги аёлларда ташхислаш, табақалаштирилган даволаш ва кеч метаболик асоратларнинг олдини олиш оқибатида ҳаёт учун хавфли ҳолатларни камайишига имкон яратилаганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Айрим эндокринопатиялари бўлган аёлларда климактерик бузилишларни даволаш омилларининг клиник-патогенетик асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

анамнезида тухумдон поликистози синдроми бўлган аёлларда климактерик бузилишларни даволаш омилларини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқилган «Тухумдон поликистози синдроми анамнези бўлган аёлларда менопаузали асоратларни табақалаштирилган даволаш алгоритми» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 26 сентябрдаги 8н-р/382-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши тухумдон поликистози синдромига эга бўлган аёлларда

постменопауза даврининг асоратларини табақалаштирилган даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имконини берган;

аутоиммун тиреоидит ва климактерик бузилишлари бўлган постменопауза ёшидаги аёлларда ташҳислаш, даволаш ва асоратларни эрта башорат қилиш усулларининг такомиллаштириш асосида ишлаб чиқилган «Постменопаузал даврда аутоиммун тиреоидитли аёлларни бошқариш. Тиббий-ташҳислаш алгоритми» номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 26 сентябрдаги 8н-р/381-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий қилиниши постменопауза даврида аутоиммун тиреоидитли аёлларни ташҳислаш ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш имконини берган.

айрим эндокринопатиялари бўлган аёлларда климактерик бузилишларни даволаш омилларининг клиник-патогенетик асослашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг “Оила ва никоҳ” илмий-маслаҳат поликлиникаси, Бухоро ва Андижон вилоят перинатал марказлари амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 8 январдаги 8н-д/5-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилиши постменопаузал асоратлари ва ТКПС билан касаллаган аёлларни текшириш ва даволаш учун ҳаражатларни 2,6 ва қалқонсимон без касалликлари бўлган аёлларда постменопауза даври асоратларини текшириш ва даволаш учун 3,1 мартага камайиши ва даволаш муддатини қисқариши ҳисобига иқтисодий самарадорликни оширишга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 8 та, жумладан, 3 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган..

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестатция комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан 10 та республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, асосий матн 205 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги, илмий ва назарий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий

этиш, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Айрим эндокрин касалликлари бўлган аёлларда менопауза ва климактерик бузилишлар патогенези кечишининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида замонавий ғоялар”** деб номланган биринчи бобида, климактерик бузилишларнинг умумий аҳволи ва эндокрин касалликлари бўлган аёллар орасидаги ҳолати – ТПКС ва гипотиреоз менопаузал касалликларнинг тарқалиши бўйича дунёдаги вазиятга оид адабиётлар шарҳи келтирилган. Шунингдек менопаузанинг кеч оғир асоратлари – юрак ишемик касаллиги, метаболик синдром, остеопороз ва онкологик касалликлар ривожланишининг хавф омиллари таҳлил қилинди. Шу билан бирга, эндокрин патологияси мавжуд бўлган аёлларда менопаузал касалликларнинг диагностика мезонлари ва даволашнинг замонавий усулларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобида клиник материаллар ва тадқиқот усуллари умуумий тавсифи берилган. Тадқиқот мақсадларига мувофиқ, 2012 йилдан 2018 йилгача бўлган давр мобайнида турли шикоятлар билан мурожаат қилган 534 нафар менопауза ёшидаги (46 ёшдан 55 ёшгача) аёллар текширилди. Текширилаётган аёлларнинг ўртача ёши  $50,5 \pm 1,5$  ёшни ташкил этди. Барча аёллар махсус мўлжалланган анкета ёрдамида ўрганишга киритилишдан олдин текширувдан ўтишди. Олинган натижалар асосида текширилган аёллар кейинги текшириш учун эндокрин ҳолатининг бошланғич бузилиши турига қараб гуруҳларга бўлинди – тухумдонлар поликистози синдроми ( $n=174$ ) ва қалқонсимон без касалликлари ( $n=166$ ). Назорат гуруҳи менопауза ёшидаги эндокрин касалликлари бўлмаган аёллардан иборат эди ( $n=80$ ).

Бўй ва вазн параметрларини ўлчашни (тана массаси индексини, қорин айланаси ҚА, бўкса айланаси БА, БА/ҚА индексини аниқлаш), Е.В. Уварова (1983) томонидан ўзгартирилган Купперманнинг менопауза индексини ҳисоблаш орқали ўзгартирилган тос аъзоларининг ултратовуш текшируви, мамографияни, анамнез йиғишни ўз ичига олган клиник лаборатор текширувлар ўтказилди. Кўкрак безларини текшириш ва пайпаслаш, гинеколог текшируви, бачадон бўйни ва бачадон бўйни каналининг юзасидан олинган суртмани цитологик текшируви ўтказилди. Қон зардобидидаги гормонлар миқдорини аниқлаш: лютеинловчи гормон (ЛГ), фолликуластимуловчи гормон (ФСГ), пролактин (ПРЛ), тиреотроп гормони (ТГ), трийодтиронин ( $T_3$ ), тироксин ( $T_4$ ), эстрадол ( $E_2$ ), прогестерон (П) ва тестостерон (Т).

Қон липид спектрини баҳолаш: умумий холестерин (ХС), триглицеридлар (ТГ), юқори ва паст зичликли липопротеидлар холестерини (ЮЗЛП ва ПЗЛП ХС).

Қондаги умумий холестерин (ХС), триглицеридлар (ТГ), юқори зичликдаги липопротеинларнинг ЮЗЛП миқдорини UniCel DXC 600/800 Pro (Beckman Coulter, АҚШ) биокимёвий анализатори ёрдамида Beckman Coulter

фирмаси реагентлари тўпламини ишлатиб ферментатив усул ёрдамида аниқланди. Атерогенлик индекси Климов формуласи ёрдамида ҳисобланган:  $AI = (УХ) - (ЮЗЛП ХС)/(ПЗЛП ХС)$ . Паст зичликдаги липопротеинлар (ПЗЛП) ва жуда паст зичликда холестерин (ЖПЗЛП) таркибини қуйидаги формула билан аниқланди:  $ЖПЗЛП ХС, ммолл = умумий ХС - ПЗЛП ХС - ТГ/2.2$ ;  $ЖПЗЛП ХС = ТГ/2.2$ , ммолл. Оч қоринга қондаги глюкоза миқдори аниқланди ва глюкоза кўрсаткичлари 5.6-6.7 ммол/л оралиғида олинганда эндокринология марказининг катта илмий ходими, т.ф.н. Н. Ходжаева билан биргаликда глюкозага бардошлик тести ўтказилди. ГБТни ўтказишда И.И.Дедов таклиф қилган протоколга риоя қилинди (2000). Шунингдек гликогемоглобин даражасини (HbA1c%) аниқлаш ҳам ўтказилди. Тадқиқотни босим остида (меъёрда 4.5-6.2%) суюқлик хроматографи билан амалга оширилди. Гликирланган гемоглобин (HbA1c) даражасини аниқлаш BAYER DSA – 2000 қурилмасида амалга оширилди. Коагулограмма автоматик коагулометр ACL – ELIT PRO (АҚШ) ва Instrumentation Laboratory фирмасининг реагентлар тўплamlари ёрдамида амалга оширилди. Унинг ёрдамида коагуляцион гемостазнинг қуйидаги кўрсаткичлари ўрганилди: фаоллаштирилган қисман тромбопластин вақти (ФҚТВ), протромбинли индекс (ПТИ), фибриноген миқдори, халқаро меъёрлаштирилган нисбат (ХМН), С-оксил, антитромбин III оксили фаоллиги. Антитромбин IIIни ферментатив колориметрик усул ёрдамида Hoffmann La Roche тўплamlари билан Hitachi-902 биокимёвий анализаторида аниқланди. Қалқонсимон безни пайпаслаш, эхографик, қалқонсимон без доплерометрияси, тироксин боғловчи гормон даражасини аниқлаш, пероксидазага антитереоид аутоантитанларга ва қон зардобидаги тиреоглобулинга оид текширувлар ўтказилди.

Қалқонсимон безни ултратовуш текшируви Aloka SSD – 1700 қурилмасида (Япония) 7.5-10 Мгц частотали чизиқли датчик ёрдамида амалга оширилди. Қалқонсимон безнинг бўлақлари узунасига ва кўндаланг сканерлаш билан ўлчанди. Қалқонсимон без тузилишини эхографик текширишда, унинг жойлашуви, ҳажми, ўлчами, чегаралари, кўриниши, шакли, эхогенлиги, эхотузилиши ва аниқ контур билан ҳажмли ҳосилалар, қалқонсимон без паренхимасининг қон томирлари, минтакавий қон оқими майдонлари мавжудлиги баҳоланди.

Архитектониканинг бузилиши, қалқонсимон без тузилишидаги маҳаллий ўзгаришлар ва уларнинг жойлашишига алоҳида эътибор қаратилди. Тугунларнинг диаметри, уларнинг эхогенлиги, шакли баҳоланди, калцинатлар, перифокал ўзгаришлар ва қон оқимининг бузилишининг мавжудлиги аниқланди. Аутоиммун тиреоидитнинг мавжудлиги ултратовуш белгилари билан камайтирилган ва ортиб бораётган эхогенлик жойлари мавжудлиги тасдиқланган. Бачадон ва тухумдонлар ултратовуш эхометрияси “Kranzbuhler” немис компаниясининг “Sono Scope 30” қурилмасида амалга оширилди. Қурилманинг ишлаш тартиби: В модулида тасвир, ултратовушли

5.0 каллакли электрон конвекс датчиги, 384 та элемент, радиус 40 мм, секретор бурчаги 60°.

Ултратовуш текшируви бачадоннинг ҳолатини аниқлади, унинг контурини ва ички тузилишини баҳолади. Кейин бачадоннинг ўлчамлари аниқланди: узунлиги ва қалинлиги бўйлама сканер билан, кенглиги эса кўндаланг сканер билан ўлчанди. Ўрта бачадон эхоси (Б -эхоси) ни ўрганишга алоҳида эътибор берилди. Тухумдонларнинг катталиги уларнинг ёш меъёрини ҳисобга олган, уларнинг ички тузилиши ва контурларнинг табиатига эътибор берган ҳолда баҳоланди. Гормонал текширувлар иммунфермент таҳлил (ИФТ) ва радиоиммунологик таҳлил (РИТ) ёрдамида амалга оширилди. Қон зардобиди лютеинловчи гормон (ЛГ), фолликулани кўзғатувчи гормон (ФҚГ), тестостерон (Т), эстрадол (Э2), прогестерон (Пр) миқдорини миқдорий аниқлаш РИТ томонидан IMMUNONECH (Чехия) фирмасининг стандарт тест тўпламлари ёрдамида амалга оширилди.

Молекуляр генетик тадқиқотлар гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтининг молекуляр генетика лабораториясида ўтказилди. Ушбу ишда метиленететрагидрофолат редуктаза (МТГФР), метионин синтаза (МТР) ва метионин синтаза редуктаза (МТРР) генларининг аллел полиморфизмлари ўрганилган. Ишда ўрганилган геномик ДНКнинг ўзгарувчан бўлимларини кучайтириш полимеразали занжир реакцияси (ПЗР) томонидан амалга оширилди. Генларда инсерцион-делицион (I/D) полиморфизм учун амплификация натижаларини аниқлаш 10% полиакриламид гели (ПАГ) даги маҳсулотнинг 7 та комплектли ПЗР электрофорезида амалга оширилди.

Статистик маълумотларни қайта ишлаш математик статистика усуллари – вариацион статистика, дисперсион корреляцион таҳлил усуллари, STATISTICA for WINDOWS дастурий пакети (5.5-версия) ёрдамида амалга оширилди. Олинган натижалар маълумотларини қайта ишлаш учун Microsoft Excel 7.0 дастуридан фойдаланилди. Тасвирлаш (тавсифий) усуллар статистикага миқдорий кўрсаткичларни ўртача қийматлар (М) кўринишида киритилган бўлиб, ўртача қийматдан стандарт хатолик (m).

Миқдорий кўрсаткичларнинг ўртача қийматларини таққослаш нопараметрик усуллар (Манн–Уитни, Вилконсон мезони, Спирмен корреляцияси) ёрдамида амалга оширилди. Генетик параметрларни ҳисоблаш частота таҳлиллари (ROC, PBX, AUS) ёрдамида амалга оширилди. Хулосалар фақат статистик жиҳатдан муҳим фарқларга асосланган эди. Олинган усулларнинг статистик аҳамияти мезони тиббиётда  $p < 0.05$  нинг умумий қабул қилинган қийматида ҳисобланади.

Менопауза симптомларини бартараф этиш учун асосий гуруҳ аёлларига МГТ тавсия этилган. 6 ойдан кейин клиник ва лаборатория тадқиқотлар (липидли спектр, ивиш ва тромбоцитлар гемостази кўрсаткичлари, гормонал профил, қалқонсимон без ҳолати), гинеколог текшируви, цитологик текшириш, тос ва қалқонсимон без УТТ, мамографияни ўтказишда мониторинг амалга оширилди.

Тадқиқотда ишлатиладиган дориларнинг хусусиятлари.

Фемостон 1/5 микродозаланган монофазали эстроген-гестагенли препарат бўлиб, таркибида 1 мг да 17β -эстрадол + 5 мг дидрогестерон бўлади. Дидрогестерон прогестероннинг ҳақиқий агонистидир, жигарга қарши минимал метаболик фаолликка эга. Анжелик доимий ишлатиш учун 1 мг эстрадол гемигидрат +2 мг дроспиреононни ўз ичига олган микродозали монофазали эстроген-гестаген дори ҳисобланади. Гестаген дроспиренон спиронолактоннинг ҳосиласидир. Натижада прогестероннинг тўлиқ хоссасига эга бўлган дроспиренон бир вақтнинг ўзида биргаликда антиминералокортикоидли ва антиадрогенли таъсир кўрсатади. Препаратлар умумий қабул қилинган схема бўйича, 28 кун давомида доимий равишда ишлатилган. Қабул қилиш давомийлиги-6 ой.

Инсулин рецепторлари сенсибилазаторлар даволаш мажмуига киритилди. Метформин кунига 850 мг дозада буюрилди. Мио-Инозитолни кунига 2000 мг дозада 24 ҳафта (6 ой) давомида буюрилди.

Диссертациянинг **“Текширилган аёлларда менопауза даврининг истиқболли таҳлили натижалари”** деб номланган учинчи бобида текширилган аёлларда постменопаузанинг хусусиятлари ёритиб берилган.

Беморларнинг аксарияти менопаузал синдромнинг (МС) кўп терлаш, тинч ҳолатда юракнинг тез уриши, қизиб кетиш, уйқунинг бузилиши каби ҳолатлардан шикоят қилдилар. Беморларнинг 62% да қизиб кетишлар, тинч ҳолатда юракнинг тез уриши ва уйқу бузилишлари аниқланди, кўп терлаш шикоятлари эса 79% беморларда кузатилди. 70-80% беморларда асабийлашиш, йиғлоқлик, чарчаш кўринишидаги психоэмоционал ҳолатлар кузатилди. Климакс даврининг патологик кечиши алоҳида белгиларининг ифодаланганлик даражаси модификацияланган менопаузал индекс ёрдамида (ММИ) ҳисобланган балларда баҳоланди. Скрининг натижаларига кўра 254 нафар (47.6%) аёлларда ўртача оғирликда менопаузал синдром белгилари кузатилди. 86 нафар (16,1%) аёлларда ўрта оғирликдаги бузилишлар кузатилди. 194 нафар (36.3%) аёлларда енгил даражали аломатлар кузатилди. Менопаузал синдромнинг оғир ва ўртача белгилари бўлган аёллар гуруҳида кўпинча артериал гипертензия 42,1%, ортиқча вазн – 51,2%, қалқонсимон без функциясининг ўзгариши – 48,8%, углевод алмашинувининг бузилиши – 37,9%, қиндаги қуруқлик – 50% билан тез-тез қайд этилди. 340 нафар текширилган аёлларда анамнестик маълумотларни ўрганиш соматик ва эндокрин ҳолат асоратларининг юқори частотасини кўрсатди. Скринингдан ўтган 183 нафар (53,8%) – аёлларнинг ярмидан кўпи қон босими ошганидан шикоят қилди. Сўровда қатнашган аёлларнинг аксариятида мастодиния (82%) шикоятлари бор эди. 340 нафар аёлларнинг 218 нафари (64,1%) асосан оёқ вена томирларида турли варикоз ўзгаришларга шикоят қилди. Текширилган беморларнинг умумий сонидан 272 нафарида (80,0%) қалқонсимон безининг I-II даражали диффуз катталашуви кузатилди. Гирсут синдроми 103 нафар (30,3 %) аёлларда кузатилди; 82 нафар (79,6%) аёлларда – ўртача оғирликда, 95 нафар (27,9 %) беморда ёғли себорея билан бирга



хуснбузар ташхиси кўйилди. 31нафар (9,1%) аёлларда I-II даражали галакторея ташхисланди.

Текширилаётган аёлларда репродуктив бузилишлар хусусиятини таҳлил қилиш натижалари 254 нафарда (74,7 %) гипоменструал синдром (олигоменорея, аменорея), дисменорея ва дисфункционал бачадон қон кетиши шаклидаги ҳайз бузилишлари бўлганлигини кўрсатди. Анамнезда бирламчи ва иккиламчи бепуштликдан 127 нафар (37.4%) аёллар шикоят қилишди. 258 нафар (75.9%) аёлларда ҳомиладорликнинг мураккаб кечиши кузатилди. 65% аёлларда (221 нафар) туғруқнинг патологик кечиши қайд этилди.

Диссертациянинг **“Тухумдонлар поликистози синдроми тарихи бўлган аёлларда менопауза даврнинг хусусиятларини истиқболли ўрганиш натижалари»** деб номланган тўртинчи бобда анамнезида тухумдонлар поликистози синдроми бўлган менопауза ёшидаги 174 нафар аёлларда менопауза кечишининг хусусиятлари ўрганилди. Беморларнинг ўртача ёши  $52,5 \pm 1,06$  йилни ташкил этди. Беморларнинг ўртача ёши  $50,6 \pm 0,6$  ёшни ташкил этди, бу назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан анча кеч –  $48,6 \pm 0,8$  ёш ( $p < 0,05$ ). ТПКС билан текширилган беморларнинг 85 нафарида (48,9%) ўртача менопауза бузилишлари касалликлари кўп учради.

26 нафар (14.9%) аёлларда енгил менопаузал синдром кузатилди. 63 нафар (36.2%) аёлларда вегетатив-қон томир, психоэмоционал ва метаболик аломатлар жиддий бўлиб, кўрсаткич назорат гуруҳига нисбатан сезиларли фарқни кўрсатади ( $p < 0.001$ ).

Анамнезда ТПКС бўлган менопауза ёшидаги аёллар гуруҳида, ММИ ўртача қиймати назорат гуруҳига нисбатан сезиларли даражада юқори эди ва  $40,2 \pm 0,5$  балга нисбатан  $56,3 \pm 0,4$  ни ташкил қилди ( $p < 0.001$ ). ТПКС гуруҳидаги аёлларда соматик касалланиш табиатини ўрганишда 135 нафар (77.6%) аёлларда, биринчи марта аниқланган артериал гипертензиянинг юқори даражаси, 58 нафар (33.3%) аёлларда юрак ишемик касаллиги кузатилди, назорат гуруҳидаги бу параметрлар мос равишда 21 нафар (26.3%) ва 16 нафар (20.0%) ҳолатларда қайд этилди

Шуни таъкидлаш керакки, асосий гуруҳдаги 117 нафар (67,2%) аёлларда биринчи марта глюкозага бардошликнинг бузилиши (ГБ) ва 23 нафар (13,2%) аёлларда 2-турдаги қандли диабет аниқланди. Асосий гуруҳдаги аёлларда узоқ муддатли ва барқарор гипертензив ҳолатнинг ўртача кечиши  $9,0 \pm 3,57$  йилга, назорат гуруҳидаги аёлларда эса гипертензиянинг давомийлиги  $2,5 \pm 2,89$  йилга тенг бўлганлиги эътиборни тортади.

Бўй-вазн индекси, ёғ тўқималарининг тақсимланиши ва гликемик кўрсаткичлар назоратда олинганлардан фарқ қилди. Шундай қилиб, асосий гуруҳдаги ТПКС билан касалланган менопаузали аёллар тана массаси индекси (ТМИ) назорат гуруҳига нисбатан анча юқори эди – мос равишда  $29,7 \pm 0,3$  кг/м<sup>2</sup> ва  $26,9 \pm 0,4$  кг/м<sup>2</sup> ( $p < 0,001$ ).

Асосий гуруҳда БА /ҚА индекси  $1,11 \pm 0,0$  ни ташкил қилди, бу эса назорат гуруҳидаги шу кўрсаткичдан анча юқори –  $1,01 \pm 0,0$  ( $p < 0,001$ ).

Асосий гуруҳдаги гликозилланган гемоглобин кўрсаткичлари  $7,89 \pm 0,1\%$  га, назорат гуруҳида эса –  $5,4 \pm 0,1\%$  га ( $p < 0,001$ ) тенг бўлган. Оч қоринга ўлчанган глюкоза миқдорига келсак, ТПКС бўлган аёллар гуруҳида бу кўрсаткич  $5,6 \pm 0,1$  мол/л ни ташкил қилди, аммо назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич анча паст эди ва  $4,6 \pm 0,07$  мол/лга тенг эди. С-реактив оксил кўрсаткичларида ҳам худди шу тенденцияни кузатиш мумкин. Асосий гуруҳ аёлларида бу кўрсаткичнинг кўрсаткичи  $4,8 \pm 0,1$  мг/л га нисбатан  $0,1$  мг/л га нисбатан  $3,6 \pm 0,06$  мг/л ни ташкил этди ( $p < 0,001$ ).

